

# TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_



QR-cod

## МИСНИНГ МИСЛСИЗ ИСТИҚБОЛЛАРИ



### YUQORICHIRCHIQ ENERGY SYSTEMS



Маълумки, Ўзбекистонда рангли металлнинг катта захираси мавжуд. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг қайд этишича, юртимизда олтиннинг тасдиқланган захиралари 6,4 минг тонна, қумуш 24,6 минг тонна, мис 21,3 минг тоннани ташкил этади.



#### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга бориб мисга бўлган талаб 45 фоизга ўсиб, йилига 28 минг тоннага етади. Буни мисни қайта ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши билан боғлаш мумкин.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Yuqorichirchiq Energy Systems" масъулияти чекланган жамияти айнан мис хом ашёсини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ТОШКЕНТ вилоятига тез тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида замонавий жиҳозлар билан таъминланган 25 та транспорт воситаси келтирилиб, ҳудудларга тарқатилди. Шунингдек, электрон тизим ҳам жорий этилиб, ҳудудий филиалда ягона "Call-markaz" фаолияти йўлга қўйилди.



ПИСКЕНТ туманидаги "Tulepov Saidahmad" фермер хўжалигида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Хитойнинг "China Dadi" компанияси ҳамкорлигида республикада илк бор пахта терими фестивали ўтказилди. Фестиваль пахтачиликда Ўзбекистон ва Хитой тажрибаларини бирлаштириб, соҳада янги ютуқларга эришиш мақсадида ташкил этилди.



«CHIRCHIQ» кимё-индустриал технопаркида жами 255 миллион долларлик 34 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Жорий йил охирига қадар технопаркда Татаристон билан ҳамкорликда 10 та янги лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган.



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани маҳаллалари ёшлар етакчилари меҳнат миграциясига кетган йигит-қизларнинг хонадонларида бўлиб, хатлов ўтказишди. Унга кўра, ёшларни қийнаётган муаммолар ўрганилиб, ечим топиш бўйича режа тузилди.



АНГРЕН шаҳридаги олис ва оғир ҳудуд саналган "Жигаристон" маҳалласида Инвестиция дастури доирасида эски мактаб биноси ўрнида янги-си қад ростлади.



Республика Маънавият ва маърифат маркази ОЛМАЛИҚ шаҳар бўлими ҳамда Диний қўмитанинг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ТДТунинг Олмалик филиалида "Интернет ва ижтимоий тармоқлардаги хавфнинг олдини олиш" мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда ёшларнинг онги ва ҳаётини турли ёт ғоялар таъсиридан асраш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

#### Ҳамдўстлик



## Қувончлари қўш, Меҳмонлари хуш келди

Ҳар йили Қозоғистоннинг Туркистон вилояти Қозигурт туманидаги Турбат қишлоғида ўзбек этно маданият марказининг ташаббуси билан анъанавий "Дўстлик дастурхони" деб номланган тадбир ўтказилади. Бу тадбирда вилоятимиз вакилларининг иштироки ҳам анъанага айланган.

Табиики, ҳар сафар қардошларимиз ўтказган байрам ҳақида вилоятимиз газетасида мақолалар берилади. Турбатликларнинг тақлифига мувофиқ, сафарга отланар эканмиз, эсдалик учун ўтган йилги худди шу тадбир тафсилотлари чоп этилган газеталардан овордик.

(Давоми 3-саҳифада) ▶

## Ширинликлар "шукронаси"



Ширинликлар, қандолат маҳсулотлари доимо дастурхонимиз кўрки бўлиб келган. Аҳолининг талаби юқорилигидан келиб чиққан ҳолда жойларда қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, Қибрай туманидаги Беруний номи маҳаллада фаолият юритиб келаётган "Шукрона" цехида тайёрланаётган маҳсулотларнинг харидори кўп.

— Ҳозирда цехда пахлава, торт ва печеньеларнинг 10 дан орტიқ тури тайёрланади, — дейди иш бошқарувчи Салоҳиддин Аҳмедов. — Маҳсулотимизни республика бўйлаб етказиб берамиз. Талаб

органи сабабли маҳаллада яна бир филиални ишга туширдик. Айни пайтда 40 дан орტიқ ишчимиз бор, уларнинг деярли барчаси шу ва қўшни маҳаллалардан. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратамиз.

Сухробжон САДИРОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири  
Жалолиддин ЭСОНОВ  
олган сурат

#### Мавсум юмушлари



## ТЎҚСОНБОСТИ ҲАРАКАТИ — ДАСТУРХОНЛАР БАРАКАСИ

"Илиқулди" паллаларда, эрта кўкламда бозорга турли сабзавот ва барра кўкатлар олиб чиқаётган деҳқонни кўз олдингизга келтиринг. Бундай даромадли ва хайрли иш учун ҳам ўзига хос тажриба керак.

Кузда миришкор асосий экиндан бўшаган майдонга уруғ қадайд, меҳрини беради. Ёгин-сочинга қолдирмай унди-

риб олади. Экин қор кўрпаси остида, киш кунларида тўқсон кун дам олади — етилади.

2



Баракалла!

Янги ғалабаларнинг  
муस्ताҳкам пойдевори



19th Asian Games  
Hangzhou 2022

# МИСНИНГ МИСЛСИЗ ИСТИҚБОЛЛАРИ



2012 йилда ташкил этилган корхонада электротехника ускуналари ва жиҳозлар учун бутловчи, эҳтиёт қисмлар, кабеллар, металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кун талабларига кўра, корхонада барча жараён инновацион технологиялар асосида ташкил этилган.

— Маҳсулотларимиз сифати жаҳон стандартларига тўла жавоб беради, — дейди корхона бош директори Умид Ислои. — Асосий хом ашё

та ишлаш кувватига эга. Охириги уч йилда корхонага 10 млн. доллардан ортиқ инвестиция ва ўз даромадидан реинвестициялар

киритилди. Қўшимча замонавий ускуналар келтирилиб, янги турдаги кабель сим ўтказгич маҳсулотлари ўзлаштирилди. Йиллар давомида тўпланган тажриба ва билимлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга қаратилмоқда. Саъй-ҳаракатлар натижасида корхона ҳар йили ишлаб чиқариш ва экспорт режасини 120-125 фоизга бажармоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми Туркия, Беларусь, Россия, Қозғоғистон, Чехия, Косова ва Европа давлатларига экспорт қилинмоқда.

**Нозима РАСУЛОВА,**  
**“Тошкент ҳақиқати” муҳбири**  
Жалолиддин ЭСОНОВ  
олган суратлар

## Конференция КАДРДАН МУТАХАССИСГАЧА

Чирчиқ давлат педагогика университетига “Инсон фаровонлигини ўрганишда фанларро ёндашув” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Унда Германия, Туркия, Хитой Халқ Республикаси, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Қозғоғистон, Индонезия каби ўндан ортиқ давлатлардан олим ва тадқиқотчилар иштирок этишди.

Бундан ташқари, келгуси йилнинг ёз фаслида олийгоҳимизнинг юзга яқин талабасини амалиёт ўташ ҳамда малака ошириш учун Россияга юбориш бўйича келишувимиз бор.

Конференция давомида замонавий таълим жараёнига педагогик, психологик, социологик омилларини татиқ этиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўйича илғор таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш, мустақил таълимни ташкил этиш масалаларига тўхталиниб, бугунги ислохотлар марказида инсон омилли, унинг сифатли ва самарали таълим олиши, “кадр”дан “мутахассис” тайёрлаш концепциясини илгари сургани ҳолда ҳар бир таълим олувчининг касбий фаолияти кафолатланишига уруғ берилди.

**Сухробжон САДИРОВ,**  
**“Тошкент ҳақиқати”**  
**муҳбири**  
Жалолиддин ЭСОНОВ  
олган сурат

Пискент туманининг Олмалик шаҳри билан чегарадош ҳудудда мўъжазгина Келовчи қишлоғи бор. Қарияларнинг хотирлашича, бу манзил кўп асрлик тарихга эга. Ёзувчи Мирмуҳсиннинг “Темур Малик” романида бу ер Хўжанд йўлидаги асосий истеҳкомлардан бири сифатида тилган олинади. Демак, Келовчи Буюк Ипак йўлидаги йирик манзиллардан бири бўлиб, мўғул истилосига қарши курашда ўзига хос муҳим ҳарбий истеҳкомга айланган. Шох ва шоир Бобур ҳам Бискат (Пискент) ва Фаркат (ҳозирги Паркент)га шу манзил орқали ўтган.

“Келовчи” сўзининг маъноси қишлоқнинг теварак-атрофи Оҳангарон дарёси ўзанига яқинлиги учун овчилар диққатини тортадиган жой бўлгани билан изоҳланади. XVIII асрнинг забардаст шоирларидан бири, машҳур “Ҳапалак” шеъри муаллифи Махмур Мулла Шермуҳаммад ўғли бир мухаммасида Қандир довонидан ошиб, Келовчининг босиб ўтгани ва Қурама вилоятига сафар қилганини қайд этган.

Фарҳад журналист, узоқ йиллар Келовчи қишлоғи оқсоқоли бўлган Эргаш ака Абдуллаев ҳам қизиқ маълумотларни айтиб берганди.

— Мен бу воқеани кекса муаллим Ҳасанали Абдурашидовдан, у киши эса Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳим ака Мусаевдан эшитган, —

да ҳам бор эди. Ўқитувчи Қўзибой ака Иброҳимов (марҳум) бу кўрган 1860-йилларда Чор Россияси кўшинлари билан маҳаллий аҳоли

Бироқ, адабимизнинг қишлоққа келгани, Отабекнинг қабрини излагани, романда эса Юсуфбек хожининг чопари Мулла Нурмуҳаммад қуш-

## Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

# ОТАБЕКНИНГ ҚАБРИ КЕЛОВЧИДАМИ?

дейти Эргаш ака. — Отаҳонларнинг хотирлашича, Абдулла Қодирий “Уткан кунлар” романини ёзишга тайёргарлик кўраётиб, Келовчига келган, қишлоқ фаоллари ва зиёлиларини йиғиб, уларга шундай деган экан:

“Мен яқин ўтмиш тарихимиз ҳақида роман ёзгилман. Айрим маълумотларга қараганда, асарим қаҳрамони Отабек шундай қабристонига дафн этилган. Агар қимдир унинг қабри ҳақида аниқ маълумот топса, рағбатлантираман...”

Отабекнинг қабри қишлоқ қабристонидан топилганми, йўқми, бу аниқ эмас. Лекин қабристон четда катта кўрган бўлган. Унинг харобалари ўтган асрнинг 60-70-йиллари

ўртасида бўлган тўқнашувларда ҳарбий аҳамиятга эга истеҳком вази фасини ўтаганини ҳикоя қилиб берган эди. Ҳақиқатан, қалъа деворларида ўқ отиш учун махсус тешиклар борлигини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Қалъа деворлари атрофидан занглаган қиличлар, ўқотар куроллар топилгани ҳақида маълумотлар ҳам бор.

— Эргаш ака, “Уткан кунлар” романи қаҳрамони Отабек Қумушидан ажралгач, ўз ихтиёри билан урушга кетгани ва Чор Россияси кўшинларига қарши жангда ҳалок бўлганини Эсласак, Абдулла Қодирийнинг Келовчига келгани бежиз эмас эканда?

— Отабек аниқ Келовчи қишлоғига дафн қилинган, дея олмаيمиз.



Суратда: Хондамир Қодирий (ўнадан биринчи) қишлоқ фаоллари даврасида.

беги аскарларини айнан Келовчи қишлоғидан Тошкентга қайтаргани тасвирланганини ёдга олсак, юқоридаги маълумотларда асос бўлиши мумкин.

— Эсласангиз, “Абдулла Қодирий” асарида шундай сатрлар бор: “Қодирийнинг отаси Қодирмуҳаммадбобо ўша Ёқуббек

билан Қашқарга кетган олтимиш олти нафар сарбозлардан бири эди, ўша жанларда қатнашиб, ўз юртига қайтган эди”. Демак, айтганларингиздан, улугъ адибимиз тарихий роман ёзишни бошлагач, падали бузруквори Қодирмуҳаммадбобо қатнашган жанларда сардор бўлган сарқарда Муҳаммад Ёқуббекнинг киндик қони тўқилган Пискентга келиб, оталари юрган ерларни зиёрат қилиб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиб, улардан дуо олганлар, дея хулоса чиқариш мумкин.

— Ҳақ гап. Заҳридин Муҳаммад Бобур ҳам Пискентда бир муддат тўхтаган, содиқ дўсти Нўён Кўкалдош меҳмонга келиб, Бурижарга (Пискентда шундай жарлик бор) қулаб тушиб, ҳалок бўлгани тарихдан маълум. Ана шу Бурижар ҳам айнан Келовчидан бошланади. Булоқ ва каналдан келадиган сув Бурижар ўзани орқали оқиб ўтади. Қишлоқ атрофида Гойиб

Тахририятдан:  
Ушбу мақола газетамда чоп этишга тайёр бўлганда Пискентдан суратли хабар олдик. Маълум бўлишича, яқинда ёзувчи Хондамир Қодирий бундан бир аср аввал бобоси Абдулла Қодирий борган Келовчи қишлоғига келиб, ўша қабристонини зиёрат қилибди.

Жорий йилнинг 1 ноябридан бир ойда электр энергиясини ўртача ойлик истеъмолчи учун тўлов миқдориغا ўсувчан коэффициент қўлланилади.

## Тариф нархи ОШМАГАН

Энергетика вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Ҳасан Тошхўжаев ижтимоий тармоқларда электр энергиясини ўртача ойлик истеъмолчи учун тўлов миқдориغا ўсувчан коэффициент қўлланилиши турлича баҳоланаётгани юзасидан қуйидагича маълумот берди:

— Мазкур ўсувчан коэффициент аҳоли истеъмолчиларининг 98 фоизига мутлақо таъсир қилмайди. Чунки мамлакатимиздаги 7 миллион 589 мингдан зиёд абонентнинг атиги 146 мингдан ортиги 1000 киловатт/соатдан кўп электр энергияси ёқди, холос. Уларнинг атиги 10 минг нафарига ойига 5 минг киловатт/соатдан зиёд, бор-йўғи, 4 мингдан ортиқ истеъмолчи эса ойига 10 минг киловатт/соатдан ортиқ электр энергияси истеъмол қилади.

Истеъмолчиларда қўшимча саволлар пайдо бўлмастлиги учун қисқача тушунтириш берамиз.

Авалло, тариф нархи ошадигани йўқ. Ўша 295 сўм жой-жойда турибди. Аммо одамларда тежамкорлик кайфиятини кучайтириш ҳамда “яширин иқтисодиёт” унсурларига барҳам бериш учун қўшимча ўсувчан коэффициент қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Бундан сиз бир ойда 1000 киловатт/соатгача электр энергиясини сарфласангиз, 295 сўмдан 295 минг сўм бўлаёсиз. 1001 киловатт/соатдан 5000 киловатт/соатгача сарфласангиз, 1000 киловатт/соат учун 295 сўмдан 295 минг, айтилмай, 4850 киловатт/соат ёққан бўлсангиз, 1001 дан 4850 гача 590 сўмдан 2 миллион 271 минг 500 сўм+295 минг сўм=жами 2 миллион 566 минг 500 сўм бўлаёсиз. Олдин сиз бунинг учун жами 1 миллион 430 минг 750 сўм тўлардингиз холос. Агар бир ойда 9420 киловатт/соат ишлатсангизчи?

Худди шу каби 1000 киловатт/соат учун 295 минг сўм, 1001 киловатт/соатдан 5000 киловатт/соатгача 590 сўмдан 2 миллион 360 минг сўм, 5001 киловатт/соатдан 9420 киловатт/соатгача 3 миллион 911 минг 700 сўм, жами 6 мил-

лион 566 минг 700 сўм тўлов қиласиз. Ўсувчан коэффициентга эса бир ойда 9420 киловатт/соат сарфлаган истеъмолчи бунга 2 миллион 778 минг 900 сўм тўларди.

Яъни, у бир ойда 6 миллион



### Бугуннинг гапи

он 358 минг 500 сўм шартли субсидия олгани ҳолда, аҳолининг қолган 98 фоиз қисмидан кўра бир неча ўн қарра кўпроқ электр энергиясини истеъмол қиларди. 1 ноябрдан бунга чек қўйилади. Худди шу ўсувчан тариф 10 минг киловатт/соатдан зиёд ток ишлатадиганларга ҳам қўлланилмоқда. Энди қимда-қим бундан кўп электр энергиясини ишлатса, у учун белгиланган тарифга нисбатан 4 баробар ўсувчи коэффициент қўлланилади.

Яъни, сиз бир ойда 12 минг 400 киловатт/соат сарфласангиз, унга қуйидагича тўлов қиласиз. 1000 киловатт/соатгача — 295 сўмдан — 295 минг сўм. 1001 киловатт/соатдан 5000 киловатт/соатгача — 590 сўмдан — 2 миллион 360 минг сўм. 5001 киловатт/соатдан 10 минг киловатт/соатгача — 885 сўмдан — 4 миллион 425 минг сўм. 10 минг киловатт/соатдан 12 минг 400 киловатт/соатгача — 1180 сўмдан — 2 миллион 832 минг сўм.

Жами: 9 миллион 912 минг сўм. 1 ноябргача эса худди шунча миқдорда электр энергиясини истеъмол қилган абонент 3 миллион 658 минг сўм тўларди. Шу билан бирга, у давлатдан 8 миллион 370 минг сўм шартли субсидия ҳам оларди. Хуллас, бу ўсувчан коэффициентлар адолатли ҳамда энергия тежамкор ва энергия самарадор ечим бўлмоқда, — дейди мутасадди.

ЎЗА

Мақола муаллифи яқунда шундай деб ёзди: "Ажабки, мезбонлар билан хайр-хўшимиз ҳам адабиёт, санъат мавзусидан айро бўлмади. Газета муҳаррири, қолаверса, Тошкент вилояти вакили эканимизни билиб турган турбатликлар бири олиб, бири қўйиб устозларга салом йўлашди:

– Махмуд Тоир акаимиз қалайлар, сайланма китоблари чиқадиган эди, ҳали чиқмадими? – Тошпўлат Маткаримов депутат бўлиб кетган эканлар, тўйларга ҳам чиқиб турибдиларми, кўрсангиз салом айтасиз-да, меҳмон..."

Дарвоқе, сафар олдидан вилоятимизнинг ҳар икки номдор вакили билан худди шу мавзуда суҳбатлашган эдик.

*Омонгелди қозоқнинг эрки учун жон тиккан, Жалолиддин манууга ўзбек бўлиб шон тиккан, Фафуру Собитлари меҳр отлик дон эккан, Улану шеъри бирдир ўзбек билан қозоқнинг, Ниятда нури бирдир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Қозоқларнинг қизлари оташқалб, куюк бўлган, Ўзбекларнинг қизлари Кумушдек суюк бўлган, Чунки ўзбек, қозоқнинг онаси буюк бўлган, Оталари орлидир ўзбек билан қозоқнинг, Сафи доим нуридир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Йўллардан ҳам кўнғилдан тўрлар олиб ташланди, Қадим қадр тикланиб, кўзлар жиқ-жиқ ёшланди,*

# Қувончлари қўш, Меҳмонлари ҳуш келди

– Кечагина Қозғистоннинг Олмаота шаҳридан қайтдим. Йўқса, албатта, сизларга ҳамроҳ бўлардим, – деди Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир. – Қозоқ халқининг, адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Камол Тоқаев таваллудининг 100 йиллиги муносабати ташкил этилган тадбирда иштирок этдим. Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомард Тоқаевнинг падари бузуқвори, ўз халқининг машҳур ёзувчиси, ўнлаб саргузашт қисса ва ҳикоялар муаллифи Камол Тоқаевнинг юбилеи самимий ва камтарона ўтди. Сафар олдидан ўқиганим Қозғистон раҳбарининг "Отам ҳақида сўз" китоби бамисоли бу оила бошига тушган ҳаёт синовларининг овози бўлиб жанглади.

Суҳбатдан англаганимиз шу бўлдики, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги алоқалар тобора мустақамлашиб, камол топиб бораётди.

– Қардошларимизга самимий саломларимизни етказиб қўйинг, – дея давом этди Махмуд Тоир. – Тўрт томлик "Сайланма" китобим нашр этилганидан хабарингиз бор. Шу тўпламни қишлоқ мактаби кутубхонасига тақдим қиласиз. Мавриди келса, кечагина Олмаота шаҳрида ёзган шеъримни Сайёраҳон ўқиб берсинлар. Синглимиз шеърни чиройли ўқийди.

Мана ўша шеър:  
*Қозоқ қардошим, десам, кулочим қанотларан,  
Қадим қадриятлардан юрагим қувватларан,  
Навоий, Абай руҳи тиловатдан шодларан,  
Туркий деган номи бир ўзбек билан қозоқнинг,  
Қаломни, саломни бир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Дўмбирани чертишни қозоқдек қийган борми,  
Ўзбек танбур чертганда кўз ёшин туйган борми,  
Ултишига бир боқинг, улардек қийган борми,  
Тарихдан даъвоси бир ўзбек билан қозоқнинг,  
Оҳ чекса, жафоси бир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Қозоқнинг дили дарё, габда Волга дарёси,  
Қозоқнинг кўкси тоғдир, шарқда Олтой дунёси,  
Бир ёнида таралар Ўзбекистон зиёси,  
Саҳроси, ери туташ ўзбек билан қозоқнинг,  
Қалбиди қўри туташ ўзбек билан қозоқнинг.*

*Дастурхонда бешбармоқ, паловтўра ошланди,  
Қувончлари қўш келди ўзбек билан қозоқнинг,  
Меҳмонлари ҳуш келди, ўзбек билан қозоқнинг.*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ҳам катта мамнуният билан янги ижод намуналаридан бериб юборди...

Хуллас, Турбатта ташкил этилган сафаримиз ана шундай бошланди. Вилоятимиз вакилларини чегара постининг Ўзбекистон ҳудудида қардошларимиз қарши олишди. Чегарадан ўтаётиб, бир ҳолат эътиборимни тортди. Кутиб олувчилардан бири – Маъмур акага чегарачи эътироз билдирди:

– Паспортингизда чегарадан ўтганлик ҳақида белги қўядиган жой қолмабди-ку. Буни янгилаш керак.

– Паспортни яқинда олганман ўзи. Эртага Тошкент-



га Тўлабийни зиёрат қилгани бораман. Шундан кейин янгилашга вақт топилар.

Бу суҳбатга қўпоқ тутиб, бундан 10-15 йил илгари чегарадан ўтиш нақадар мураккаб ва машаққат бўлганини эсламан. Беихтиёр ана шундай имконият ва қўлайликларни яратиб берган икки давлат раҳбарларига миннатдорлик айтгимиз келади. Бу гап ўзини англаган ҳар бир йўловчининг хаёлидан ўтса керак.

Йўл-йўлакай давом этган суҳбатдан аён бўлдики, Турбат қадимий Шов ва Сарём шаҳарлари билан ёши жиҳатидан тенг кўхна масканлардан саналади. У Ипак йўли ўтган икки буюк шаҳар оралиғида жойлашган. Бу ерда истиқомат қилаётган 12 мингга яқин аҳолининг

тенг ярми ўзбеклардир. Неча асрларки, бу ерда ўзбек ва қозоқ халқлари вакиллари аҳил-иноқликда умргузаронлик қилиб келадилар. Ўзбек билан қозоқнинг яйловда моли, гўшангада боши қовушган, дейишади маҳаллий аҳоли.

Қишлоқда ўзбек халқининг азаллий урф-одат ва анъаналари, тили ва қадриятларига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қаралади. Хусусан, худудда 1 та ўзбек мактаби, ўзбек миллий маданий маркази бўлими фаолият юритади. Бу ерда ҳар йили ўзбек халқининг шох



Қозғистур тумани ҳоқими ва Туркистон вилояти ўзбек этно маркази раҳбари Жавлон Собитов ўз тилакларини билдирди. Қайд этилганидек, азал-азалдан қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, турмуш тарзи ҳам муштарак бўлиб, асрлар оша аҳил-иноқликда, кўни-қўшилиқ, қудан-андачилиқ каби эзгу анъана ва қадриятлар билан яшамоқда.

Ҳамроҳимиз – Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари Сайёра Файзиева ўз сўзида икки давлат раҳбарлари томонидан мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустақамлаш, яхши кўшничилик муҳитини сақлаш борасидаги сазъ-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Мезбонларга Тошкент вилояти ҳоқимлиги номидан эсдалик совғалари, вилоят ижодкорларининг бадиий-публицистик китоблари тўпламлари топширилди.

Китобларни қишлоқдаги Туроб Тўла номидаги ўзбек мактаби директори Жавлон Собитов қабул қилиб олди. Дарвоқе, мактаб ҳақида икки оғиз сўз. Бу ерда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган. Педагогик жамоанинг ақсарияти Тошкентдаги олий ўқув юртиларида таҳсил олган. Ўтган ўқув йилида мактабни 40 нафар йигит-қиз тамомлади. Ўзтиборлиси, уларнинг 17 нафари Тошкентдаги нуфузли давлат олийгоҳлари талабаси бўлишди.

Тадбир доирасида ташкил этилган ош танлови ғолиблари аниқланди ва тақдирланди. "Ўн қозонда – ўн палов" шиори билан номланган ош фестивалида турли ҳудудлардан келган ошпазлар меҳр бериб тайёрлаган паловлардан анжуман меҳмонлари, қишлоқ аҳли баҳраманд бўлдлар. Уларни баҳолаган ҳакамлар қаторида ҳамроҳларимиз – Ўзбекистон қозоқ миллий маданий маркази Тошкент вилояти бўлими раисининг ўринбосари Қуралбой Суяров, қиравийлик жамоатчи Миродил Миржалиловлар ҳам бор эди.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар эса барчага байрамона кайфият улашди. Дўстликни, меҳр-оқибатни, юксак инсоний туйғуларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар мушоираларга уланди. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Ашурали Боймуродов, хонанда Камолиддин Мирсолиевнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Тадбирдан кейинги самимий суҳбатлар ҳам жуда мароқли ўтди. Қорабулоқлик Фахриддин Қорабоев худудда обрў-эътибор топанлардан бири. У икки қақриқ мамлакат парламенти депутати бўлган. Санъатга, адабиётга меҳри баланд.

– Тошкент вилояти ҳақида, ўзбек қўшиқчилиқ санъати ҳақида гап кетганда кўз олдимга Ўзбекистон халқ ҳофизси Фахриддин Умаров келади, – дейди Ф. Қорабоев. – Ҳофизнинг ўзига ҳам, ижодида ҳам меҳрим баланд. Ҳали-ҳануз у кишининг қўшиқларини ижро қилиб тураман. Суҳбатларида кўп бўлганман. Устоз санъаткор ҳақида китоб ҳам ёзганман.

Тадбир давомида бу каби самимий гурунглр кўп бўлди. Бизлар бир-биримизнинг суҳбатларимизга тўймай қайтдик. Бу узаро ҳурмат ва эътиборнинг, меҳр ва оқибатнинг, икки қардош халқ ва мамлакат ўртасидаги азалий муносабатларнинг ифодаси бўлса ажаб эмас.

**РАҲМАТИЛЛА ШЕРАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси

## Назорат

Маълумки, коррупцияга қарши кураш аллақачон давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб улгурди. Буни сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида кўриш мумкин. Коррупция жамиятдаги тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилиши, яширин иқтисодийнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келади.

# БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ

Юқоридагиларни инobatта олган ҳолда Тошкент вилояти Усумликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси томонидан мавжуд 17 дан ортиқ Ташқи иқтисодий фаолият, усумликлар карантини чегара масканлари ҳамда темир йўл станцияларида коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Тегшли давлат органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда коррупцион ҳолатларнинг аянчали оқибатлари тўғрисида бошқарма ходимларига тушунчалар берилмоқда.



Шунингдек, хизмат ваколатларини суистеъмол қилмаслик, жамият ва давлат манфаатларини юқори қўйиш ва хизмат бурчи мавзусида ҳам жамоавий, ҳам яқка тартибда мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Эндиликда "Электрон ҳукумат"нинг коррупцияни камайтиришдаги роли эътиборга олиниб, бошқарув тизимига кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда бошқарма томонидан инсон омиллини камайтириш ҳамда кўрсатилаётган хизматларни рақамлаштириш асносида замонавий инфорацион технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилиб, ортиқча қозғозлилик ҳамда манфаатлар тўқнашуви натижасида юзага келиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларнинг олди олинишига эришилмоқда.

Айни шу мақсадларда Ташқи иқтисодий фаолият ҳамда усумликлар чегара масканларига видео-кузатув мосламалари ўрнатилиб, карантин инспекторларининг иш фаолияти 24 соат назоратга олинган.

**М. МАХАМАДАМИНОВ,**  
Тошкент вилояти Усумликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси "Келес ТИФ" мудири

## Ноқонуний уринишнинг олди олинди

Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тегишли қонунчиликка мувофиқ, дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш фақат дори-хоналар томонидан амалга оширилади.



Бироқ, сифати кафолатланмаган тиббиёт буюмларининг ноқонуний равишда олиб кирилишига бўлган уринишлар ҳали ҳам учраб турибди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси матбуот хизматининг хабар беришича, "Ғиштқўприк" чегара постидан рухсат берувчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган йўловчи бошқарувидаги "CAPTIVA" русумли енгил автоулов кўриқдан ўтказилганда, божхона декларациясида кўрсатилмаган ва оғзаки сўровда маълум қилинмаган қиймати 305 миллион сўмлик 3 минг 50 дона "Юнона Био Т" номли тиббиёт воситалари борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЎЗА

## Статистика бурчаги

### БОЗОР ХИЗМАТЛАРИ ҲАЖМИ

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида Тошкент вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 3 371,0 миллиард сўмга ошиб, 19 623,5 миллиард сўмга етди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108 фоизни ташкил этди).

### ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ РАҚАМЛАРДА

Жорий йилнинг январь-август ойларида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 1 744,7 млрд. сўмни ташкил этди. Яъни, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 123,4 фоизни ташкил этиб, ўтган йилгидан 0,7 фоизга кўпайган.

### КЎЧМАС МУЛК ХИЗМАТЛАРИ

Вилоятда кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми жорий йилнинг январь-август ойларида 68 млрд. сўмга ошиб, 607,8 млрд. сўмга етди. Бу ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда ўсиш суръати 103,6 фоизни ташкил этди, дегани.

### САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

2023 йилнинг январь-август ойларида вилоят корхоналари томонидан 64,6 трлн. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 103,7 фоизни ташкил этди.

### КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига вилоятда янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 4 минг 819 тани ташкил қилиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 317 тага кўпайди. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони эса 38 минг 276 тага етди. Ҳудудлар кесимида энг кўп кичик бизнес субъектлари Зангиота (4 минг 420 та), Қўрай (3 минг 408 та), Тошкент (2 минг 716 та) туманларида фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

# Янги ғалабаларнинг мустаҳкам пойдевори

Хитойнинг Ханчжоу шаҳри мезбонлик қилган XIX ёзи Осиё ўйинлари нихоясига етди. 15 кун давом этган мусобақалар ўзбек спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди. Сабаби, якунда Ўзбекистон терма жамоаси 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза, жами 71 та медални қўлга киритган ҳолда 45 мамлакат орасида фахрли 5-ўринни эгаллади.

Бу Ўзбекистон вакиллари Осиё ўйинлари тарихида медаллар сифати ва сони бўйича эришган энг яхши натижа бўлди. Давлатимиз раҳбари катта муваффақият қозонган делегациямиз аъзоларига табрик йўллади.

– 132 нафар вакилимиз жами 71 та медални қўлга киритиб, ўтган Осиё ўйинларига нисбатан рекорд натижани қайд этганлари барчамизни қувонтиради. Осиё ўйинларида эришилган бундай ютуқлар биз учун улкан аҳамиятга эга бўлиб, сиз-

лар шу тариқа миллий спорт мактабимизнинг шон-шухратини, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини жаҳонга намойён этдингиз. Ўз навбатида, 2024 йилда Парижда бўлиб ўтадиган 33-Олимпия ўйинларида ҳам юксак чўққиларни забт этишингизга ишонаман, – дейилади табрикчи.

Айниқса, футбол мусобақаси юртимиз спорт ихлосмандларига унутилмас лаҳзаларни тақдим этди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 3-ўрин учун кечган баҳсда Гонконг терма жамоасини 4:0 ҳисобида маглуб этиб, 29 йиллик танаффусдан сўнг яна шоҳсурага кўтарилди. Ёдингада бўлса, 1994 йилда Хиросима-



да ўтган Осиё ўйинларининг футбол мусобақасида вакилларимиз олтин медални қўлга киритишган, ammo шу бўйи шоҳсурага яқинлаша олишмаётган эди. Ханчжоуда бу нохуш аъянага барҳам берилди.

Шу ўринда терма жамоамизнинг ютуғида Тошкент вилояти спортчиларининг ҳам катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Вакилларимиз 4 та олтин, 5 тадан кумуш ва бронза, жами 14 та медални қўлга киритиб, юзимизни ёруғ қилишди. Айниқса, Алишер Турдиев, Шоҳму-

род Холмуродов, Нурислому Тўхтасин ўғли ҳамда Артём Штурбабинларнинг муваффақияти эътирофга лойиқ.

Шундай қилиб, спорт ихлосмандларига ҳаяжонли дақиқаларни ҳаёда этган XIX Осиё ўйинлари якунланди. Навбатдаги – 2026 йилда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига Япониянинг Нагоя шаҳри мезбонлик қилади. Унгача эса, атлетларимизни келаси йил Парижда ўтказиладиган ёзи Олимпиада ўйинлари кутмоқда. Биз барча спортчиларимизга навбатдаги мусобақаларда ҳам омад тилаймиз.

**Сўхробжон САДИРОВ,**  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



## Ғаройиб топилма

Пискент туманидаги қадимги Қуюн ёдгорлиги ҳақида эшитгансиз. Бу ерда 2017 йилдан буён қазилма ишлари олиб борилади. Пандемия давридаги танаффусдан сўнг ўрганишлар қайта тикланди.



## Бронза даврига оид ёдгорлик

Археологларнинг айтишича, Қуюн ёдгорлиги 3 қисмга бўлинади. Шарқий қисм аллақачон бузилиб кетган. Ғарбий қисм ўрта асрларга, Марказий қисм бронза даврига оид ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология марказининг “Ипак йўли археологияси” бўлими катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Саида Илёсова, тарих фанлари бўйича фалсафа докторлари Раҳмонали Муродалиев ҳамда Елена Гордеевалар иштирокида Марказий қисмда янги қа-

зилма ишлари амалга оширилди. Изланишлар давомида Бурганли маданиятига оид кўплаб археологик артефактлар қўлга киритилди. Жумладан, эра миздан олдинги XIII-XIV асрларга тегишли металл қолдиқлари ва маъдани майдлашда қўлланилган тош болга топилган. Буюмларнинг сақланишига кўра, олимплар айнан ўша ҳудудда қадимги металлга ишлов бериш устaxonаси бўлган, дея тахмин қилишмоқда.

Изланишлар яна давом эттирилади.

Ў.А.

## Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

# НУРОНИЙЛАР МАМНУН

Ўтган йилдан бери “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури асосида нурунийлар ва меҳнат фахрийларини республикамизнинг тарихий шаҳар ва зиёратгоҳларига саёҳат қилдириш яхши аъянага айланди.

Яқинда “Маҳалла” хайрия жамоат фонднинг Бекобод шаҳар ҳамда Бўка тумани бўлимаси “Нуруний” жамғармаси билан ҳамкорликда нурунийлар ва маҳалла тизимида фаолият юритаётган ходимлардан бир гуруҳини Самарқанд шаҳрига саёҳатга юборишди. Иштирокчилар “Ҳазрати Хизр мажмуаси”, “Тўри Амир”, “Шоҳизинда” мақбаралари, Бибиномин, “Шердор” мадрасаси, “Регистон” тарихий обидаларини зиёрат қилишди.

Шунингдек, фонднинг Оҳангарон шаҳар бўлимаси томонидан ҳам бир гуруҳ нурунийлар Жиззах вилоятида жойлашган “Зомин” дам олиш оромгоҳига саёҳатга олиб борилди.

– Авваллари саёҳатга ҳеч вақт ажрата олмаган эканман, – дейди оҳангаронлик Батухан Мунаваров. – Маҳалладошларим билан икки кун давомида яхши ҳордиқ чиқардик. Бизни ўйлаб, шу каби тадбирларни ташкил этган ташкилотчиларга мин-

натдорчилик билдираюман.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими матбуот хизмати мутахассисининг берган маълумоти-га кўра, жорий йилда 300 нафардан ортиқ кам таъминланган оила вакиллари, нурунийлар ҳамда маҳалла фахрийлари республикамизнинг турли ҳудудларидаги зиёратгоҳларга саёҳатга олиб борилди.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

## Дарвоқе

**Дарахт-га озор бераётган нарса болта эмас, балки болтанинг сопи ўзининг шохидан эканлигидир.**  
**Шарқ ҳикмати**

**Болта ва қалам**  
Болта билан қалам бир-бирига ухшайдиган буюмлар эмас. Аммо хизмати жиҳатидан анчайин яқин туради.  
Болта – қотил қўлида ўлим қуроли. Ўтинчи қўлида меҳнат қуроли. Хунарманд қўлида санъат қуроли.  
Қалам – ҳасадгүй қўлида ўлим қуроли. Саводхон қўлида меҳнат қуроли. Истеъдод қўлида санъат қуроли.  
**Ўткир ҲОШИМОВ**

**“Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди Алишер...”**  
**Абдулла ОРИПОВ**

## Ҳикматли дунё



Мен тақдир тақозоси билан, бирор бир институт ёки университетда ўқиш бахтидан мусово қолдим. Ёшлигим, қайсидир дўкондорнинг юмушини қилишу кимнингдир хизматини бажариб, иш берувчиларнинг дўқ-пўписаларидан эзилли билан ўтди. Уттиз ёшларимда, оғир меҳнатдан чарчаб, пасткаш иш берувчилар

азобларидан эзиллиб, узун тунлари осмонга термулиб, Худода нола қилардим. Аянчли қисматимдан зеркиб, ўзимга-ўзим гапириб кўярдим: “Биттагина дипломим бўлганда эди...”

Баъзан ёзганларим кўзимга баллодек кўриниб, улоқтириб ташлаган чоғларим кўп бўлса ҳам, ёзишдан, мутотаа қилишдан, изланишдан, ўқиш-

ёзиш учун яралган эдим. У кўнглимга соларди, мен эса тинимсиз ёзардим. Фақат тақдирнинг аянчли, аччиқ кунларида мени ҳўрлатадиган, юрагимни унсиз эзадиган ўша оғир бир сўз миямда тинимсиз айланаварди: “Биттагина дипломим бўлганда эди...”

Қирқ ёшга етганимда мен шу қадар машҳур бўлиб кетдимки, ўзим ишон-

улиятли, шарафли вазифани зиммамга юклагани, истеъдод аталган улўғ неъматни кўксимга жойлагани учун Худойимдан миннатдорман. У ҳаммаша мен билан ва ишонманки, илтижо қиламанки, мени бир лаҳза ёлғизлатиб қўймайди.

Диплом... Дарвоқе, диплом масаласида...

таассурот ва камида “Университет Фахрий доктори” деган унвон билан, шу унвонни тасдиқловчи усти жимжимдор, ҳар қандай талабанинг ҳавасини келтиргүллик даражадаги диплом билан, ҳа, тўғри эшитдингиз, диплом билан қайтаман.

Тасаввур қилинг, бир йилда қанча диплом...  
Учрашувлардан қайтгач, уйимга келиб, биринчи қиладиган ишим дипломларни катта камин печимда ёқиш ва ёнаётган дипломларни севиниб томиша қилиш. Ишонаверинг дўстларим, улўр ёнганда шу қадар маза қиласизки, асти қўяверинг.

Дунёда ёнаётган дипломларнинг хароратидек қайноқ ва эҳтиросли хароратни топиш қийин...  
**ЖОН СТЕЙНБЕК,**  
Америка ёзувчиси,  
адабиёт йўналишида  
Нобель мукофоти совриндори

## ЁНАЁТГАН ДИПЛОМЛАР

дан бир зум тинган эмасман. Гарчи дипломсиз кўча мардикори бўлсамда, илмим, ўша мен учун орзу саналган университетлар профессорларини доғда қолдириш даражада сайқаланиб бораётганлиги менга ҳаммаша таскин берган.

Юрагимнинг бир четида буюк орзу ҳаммаша уйғоқ яшаган. Куну тун, телбалардек Худо билан гаплашардим. Мен

май қолдим. Ёзганларим, менинг юрак қоним билан ёзганларим, шу қадар қўлма-қўл бўлиб кетдики, асти қўяверасиз. Бугун менинг романларимсиз Америка адабиётини тасаввур қилиш қийин. Энди нима ёзсам, ҳали сиёҳи қуримай туриб, нашр этишди ва табиийки, қўлма-қўл қилиб юборишди.

Биласизми, мен ҳаммаша, мени ёзувчи қилиб яратгани учун, шу масъ-

Мени деярли ҳар куни бутун дунёнинг энг нуфузли, энг дондор университетларига ижодий учрашувларга, мастер классларга таклиф қилишди. Мен, албатта, мўмайгина гонорарлар эвазига, бу таклифларни жон деб қабул қиламан. Университетларда мени олий мартабали меҳмон сифатида қутиб олишди, ардоқлашди. Мен бу даргоҳлардан, жуда кўп пул, бир олам



## TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir **MIRZAYEV** (tahrir hay’ati raisi)

Umrat **MIRZAQULOV**

Hotamjon **SAYDAHMEDOV**

G’afurjon **MUHAMEDOV**

Sirojiddin **ESHQUVVATOV**

Tohir **ARIPOV**

Mahmud **TOIR**

Uskenboy **ATEMOV**

Abdulla **XURSANOV**

Mahmudjon **BOLTABOYEV**

Kumush **EGAMBERDIYEVA**

Olimjon **BEGALIYEV**

Zarifa **ERALIYEVA**

Sergey **MUTIN**

Bosh muharrir:

G’ayrat **SHERALIYEV**

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentrahiqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:

Alloma **AZIZOVA**

Navbatchi:

Suhrobjon **SADIROV**

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 20.00

Nashr ko’rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1031.

4 906 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvardan 03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko’chasi, 2.  
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.